




# XASR



IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 13-OKTYABR, PAYSHANBA, 43 (675)-SON

e-mail: xxi\_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда келгуси йилнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ҳужжатлари бўлган – 2017 йилги асосий макро-иқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган, жорий йилда макроиқтисодий барқарорлиқни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни, шунингдек, Давлат бюджетининг асосий параметрлари бажарилишини таъминлаган 2016 йилги ва келгуси йиллар учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича қўрилган тизимли чора-тадбирлар чуқур таҳлил қилинди.

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 2017 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлар муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Уларда ялпи ички маҳсулотни, инвестициялар, sanoat ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг жадал ўсиш суръатларини ҳамда нархларнинг умумий даражаси ўсишини сақлаш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликка эришиш назарда тутилган.

Мажлисда 2017 йилда солиқ ва бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришни, маҳаллий бюджетларнинг ва мақсадли бюджетдан ташқари фондларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашни, шунингдек, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини молиялаштиришнинг устуворлиги сақланишини назарда тутувчи таклифлар бирма-бир кўриб чиқилди.

Солиқ юқини камайтириш бўйича энг муҳим чора-тадбирлар қаторида иқтисодиёт тармоқларига солиқ юкларини сезиларли юмшатадиган айрим солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатини узайтириш назарда тутилди. Булар солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолинадиган маблағларни ўз фаолиятини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ходимлар иш ҳақини ва инвесторлар

даромадини оширишга йўналтириш имконини беради.

Қайд этиб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юқини янада камайтиришни таъминлайди.

Мажлисда 2017 йилги Давлат бюджети харажатларининг асосий параметрларига 60 фоиз маблағлар ажратилиши ушбу лойиҳада юқори ижтимоий йўналтирилганлик сақланиб қолгани қайд этиб ўтилди. Келгуси йилда бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдорларини янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базаси ва жиҳозланганлигини мустаҳкамлашга оид ишларни давом эттириш назарда тутилмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар раҳбарларининг эътибори ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантиришга ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлигига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлардаги энг муҳим чора-тадбирларни молиялаштиришга қаратилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимликлари раҳбарлари олдига иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини тизимли кўриб чиқиш ва мустаҳкамлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни таъминлаш вазифаси қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликларига янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжуд корхоналар фаолиятини

кенгайтириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига маҳаллий бюджет даромад қисмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2017 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси параметрлари ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

Дастур лойиҳаси республика иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида мавжуд ресурс ва захираларни тўлиқ сафарбар қилиш, жумладан, sanoat, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасини модернизациялаш ва ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг бандлигини янада оширишни кўзда тутди.

Дастур лойиҳасининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини кўриб чиқиш давомида барча даражадаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, бандликни ошириш масалаларини амалда ҳал этиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда, шунингдек, ёшларни, энг аввало, 2016/2017 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисидаги муҳокамалар натижалари бўйича 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари маъқулланди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 12 октябр кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.



Ў.А. сураги

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма

тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлис иштирокчилари таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз инсонпарварлигининг, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа аҳрал-

мас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишининг, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислохотлар унинг мазмун-моҳиятини акс эттиришининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Амнистия актининг айрим тоифадаги шахсларга nisbatan қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамият касб этади, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўлнинг давоми саналади.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги қатор фуқароларни (айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган.

Давоми 2-саҳифада >>

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати:

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар:
  - а) аёллар;
  - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
  - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
  - г) чет давлатлар фуқаролари;
  - д) Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари,

шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида I ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга nisbatan татбиқ этилмасин.

Давоми 3-саҳифада >>

### САЙЛОВ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Эхтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди.

### Марказий сайлов комиссиясида учрашув

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов экспертларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Давоми 3-саҳифада >>

### БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ

## Муаммоларни бартараф этиш – давлатимиз тараққиёти гарови



Солмақов ЗОИРҚОВ олган суратлар

– Илгари бирини ака, бирини ука деб, ялиб-ёлвориб зўрга ишимизни битирар эдик, – дейди бухоролик Маҳмуд ака. – Гап-сўзимиз, муомаламиз, чўнтагимизга қараб ишимизни

битириб берадиганлар ҳам бор эди. Масалан, 10 миллион кредит олиш учун 3-4 ой овра бўлардик. Югур-югур, қозғозболик... Бу камдек ҳали банк раҳбари, ҳали кредит бўлими

бошлиги овраи сарсон қиларди. Уша пайтлар "Буларнинг "ўйин"ларини юқоридагилар билармикан?" деган ҳаёл кўнглимдан ўтарди. Бу оврагарчилик ва саргардонлик 5-6 йиллар олдин банкка "иши тушиб" борган ҳар бир тадбиркорга таниш.

Қувонарлиси, бугунги тадбиркор худди ана шундай муаммоларни бир зумда ҳал қилиши мумкин. Бунинг учун "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси"га мурожаат қилди. Қарабсизки, масала ҳал. Кечатида "Пулимиз йўқ, сиз сўраган йўналишга кредит чиқара олмаймиз" деб турган банк, ўзларини тадбиркорнинг энг яқин суянчи ва таянчидек тутиб "Шикоят қилиш шартини, 1-2 кун кутсангиз, ўзимиз ҳал қилиб берадиган-ку", деб сиз сўраган маблағни бир зумда ҳисоб рақамингизга кўчириб беришди.

Давоми 3-саҳифада >>

### МУНОСАБАТ



## Дастуриламал ҳужжат

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон асосий электоратимиз – хусусий сектор вакиллари манфаатлари, демакки, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифаларга тўла ҳамроҳанг. Жумладан, партиямиз дастурида кучли иқтисодиёт аҳоли фаровонлиги ўсишининг асоси ва миллий ҳавфсизликнинг кафолати экани баён этилган. Бинобарин, OZLiDeP ва унга ҳамкор ташкилотлар мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинишига қўмақлаштириш имзасидаги энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди.

Давоми 4-саҳифада >>

## ЖАРАЁН

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

44 Давом. Бошланғич 1-саҳифада

Сенат қарори қўлланилиши тартиби белгилаб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материаллари судда кўриб чиқиш тартиб-таъмили белгилаб берилмоқда. Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таъмилини очиқ-ошкоралигининг таъминлини устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Муайян тоифадаги шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан нафақат озод қилишни, балки уларни даволашни, ишга жойлаштиришни, шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштиришни белгилаб берувчи бир қатор тадбирлар назарда тутилган.

Шундан сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов томонидан таклиф этилган "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг юритиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифати, даражаси ва самарадорлигини оширишга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир кафолатларни мустақамлаб кўйган яхлит ҳужжатдир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган, ижтимоий хизматларга муҳтож аҳоли тоифалари аниқлаб берилган, уларни аниқлаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Қонунда, айниқса, таълим, ишга жойлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ҳамда турлари



мўҳим ўрин эгаллайди, ушбу соҳадаги идораларaro ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик масалалари тартибга солинмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини инobatга олган ҳолда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг, тадбиркорлик субъектларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун нормаларининг рўёбга чиқарилиши ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамоатчилик назорати учун очиқ бўлишини таъминлайди, нафақат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга, мамлакатда амалга оширилаётган қўламдор кучли ижтимоий сиёсат давом эттирилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва парламентга киритилган "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Амалдаги қонунга киритилиши назарда ту-

тилган ўзгариш ва қўшимчалар қасаба уюшмалари фаолиятини тартибга солиш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган нормалар, қоидалар ва нуқсонларни бартараф этишга, фойдаланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга, қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ҳозирги замон талабларини инobatга олган ҳолда, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида қасаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Қасаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларига сайланиши муносабати билан ишдан озод этилган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатлари кучайтирилди. Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қасаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар мустақамланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида қасаба уюшмалари фаолияти эркинлигининг кафолатлигини таъминлашга хизмат қилади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлашга ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амал қилиб турган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралда қабул қилинган "Аҳолининг ҳолатида қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгаририлди, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммаларига ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, имкониятлари чекланган шахсларнинг касбга ўқитишнинг ташкил этиш ва инклюзив касбга ўқитишни ривожлантириш, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаларига муҳтож оилаларга ҳамда фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлини ҳамда тўланиши устидан мониторинг олиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ногиронлар ва кексалар учун мўлжалланган Мурувват ҳамда Саҳо-

ват уй-интернатлари, Ногиронлар учун реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаториялар ҳамда пансионатлар, шунингдек, қатор таълим муассасалари Меҳнат вазирлиги тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Қайд этилган фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомилик тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент юқори палатаси вакиллари таъкидлаганларидек, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам беришга, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини юксалтиришга қўмаклашади.

"Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Мувофиқлини баҳолаш тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Жиноят кодексига, Солиқ кодексига, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар ветеринария тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш бошқа қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга, қонун ҳужжатлари нормаларидаги атамалар ва тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятлар таҳлилини, динамикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда Жиноят кодексига фибрибарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар киритилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу тузатишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазоланда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, ушбу соҳаларда жиноят содир этилишига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қўмаклашади.

Шунингдек, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет ҳамда смета-штат интизоми соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни таснифлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва бир хилда талқин

этилишини таъминлашга, шунингдек, Бюджет кодексига айрим нормаларнинг ва жиноят тўғрисидаги ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмундаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар ҳам бюджет ва смета-штат интизоми бузганлик учун жавобгарликни янада эркинлаштиришга ва мақбуллаштиришга қаратилган. Жумладан, шу соҳада фақат кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда содир этилган қилмишлар жиноий жавобгарликка, унча кўп бўлмаган миқдорда ёки анча миқдорда содир этилган қилмишлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Сенаторлар ушбу ўзгаришларнинг киритилиши бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва бюджет интизоми мустақамлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Конвенция Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқини назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўёбга чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилмоқда. Бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи давлат органлари аралашувидан ҳоли бўлиш кўзда тутилмоқда, ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ қилиниши таъкидладилар. Хусусан, фуқароларнинг қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ қилиниши таъкидладилар. Хусусан, фуқароларнинг қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мустақамлаб кўйилган.

Ҳозирги вақтда 14 та тармок, 14 та ҳудудий ва 37 миңдан ортиқ бирламчи қасаба уюшмаси ташкилотини бирлаштиручи Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси 6,3 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифодалайди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, қасаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қасаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган нормаларига Ўзбекистон содир эканлигининг исботи бўлади, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик суди таркибларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустақамлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Ахборот хизмати**



МУНОСАБАТ

# Муаммоларни бартараф этиш – давлатимиз тараққиёти гарови

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

« Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жинсий уюшма таркибда жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибда илгари жинсий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш тартибда жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳкумлар кўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларининг очиқ-ошкора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевоқиф сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н.ЙЎЛДОШЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2016 йил 12 октябрь

« Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси, айниқса, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган айрим муаммоларни ҳал этиш, фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Шу боис электрон қабулхонага мурожаат қилаётганлар сони ортиб бормоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳудудий Кенгашларида ҳам мурожаатларни қабул қилиш ва уни Бош вазир номига йўллаш бўйича ишлар жадал олиб борилапти.

– Конституциямизда ҳар бир шахс ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган, – деди О'зLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши ҳуқуқшуноси Санжар Эвадиллаев. – Мазкур виртуал қабулхона, энг аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилаётди. Шу боис ҳам партия ҳудудий Кенгашларида тузилган "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси" фаолияти аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаётганини алоҳида эътироф этиш зарур. Ҳар бир қабулхона юқори тезликдаги интернет ва бошқа алоқа воситалари, зарур компьютер жиҳозлари билан таъминлангани, ҳуқуқшунос ва ахборот коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларнинг жалб этилгани муаммони тўла ўрганиб чиқиш, Бош вазирга йўллашга имкон яратмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Бош вазирининг виртуал қабулхонасига уч усулда мурожаат қилиш мумкин. Фуқаролар **210-00-00** ёки **10-00** қисқа рақамларига кўнғироқ қилиб, **pm.gov.uz** манзилдаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб, ариза, шикоят ёки тақлифларини юборишлари мумкин. Сайт (**pm.gov.uz**) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат макomini (жавоб берилган-берилмаганини) текшириш

мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирининг виртуал қабулхонасига дастлабки кунёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва тақлифлар тушган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 20 мингдан ошиб кетди.

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида 34 йил хизмат қилдим, – дейди Бош вазирга ариза билан мурожаат қилган Янгибой Саидов. – Ҳозир иккинчи гуруҳ ногирониман. Шифокорлар жигар циррози ташхисини қўйишди. Шу боис мунтазам даволаниб тураман. Аммо бу касалликдан бутунлай фориғ бўлиш учун жигарни кўчириб ўтказиш керак экан. Бундай операция эса фақат Ҳиндистонда амалга оширилади. Бунинг учун катта маблағ керак. Шунинг учун 36 минг АҚШ долларини конвертация қилишни сўраб Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига бордим. Аммо улар бунча катта маблағни конвертация қила олмасликларини айтишди. Шундан кейин О'зLiDePда ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси" орқали Ш. Мирзиёевга мурожаат қилдим. Аризамни қаноатлантиргани учун Бош вазиримизга миннатдорлик билдираман.

Шерзод Розиков ҳам партия Кенгашида тузилган виртуал қабулхонадан муаммосига ечим топди. У яхши ниятда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва шерикликда иш юритиш учун Илҳом Усмонов ва Бекзод Рустамовга 182 миллион сўм пул берган эди. Аммо "шерик"лар пулни олиб, ғойиб бўлишди. Шундан кейин Ш. Розиков уларнинг устидан жинсий иш кўзгатишни сўраб бир неча идорага мурожаат қилди. Аммо фуқаронинг аризаси эътиборсиз қолиб келаётганлиги Бош вазир номига йўлланган номдан кейин бир неча ойдан буюн чўзилиб келаётган муаммо бир кундаёқ ҳал бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ҳаёт фаровонлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратганди. Айниқса, кексалар саломатлигини тиклаш,



уларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Аммо жойларда ҳали ҳам мазкур йўналишда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида яшовчи Галина Бедритскаяннинг Бош вазирга йўллаган мурожаатида ана шундай камчиликлардан бири тилга олинган.

– Бош Вазирининг бир пенсионер аёлнинг муаммосини ҳал қилишдан ҳам муҳимроқ ишлари кўплигини яхши биламан, – дейди онахон. – Аммо "Дўстобод" маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари ҳамда нафақам бўйича айрим муаммоларни кўйроқ ташкилот раҳбарлари ҳал қилиб бериши исташмади. Шу боис, Ш. Мирзиёевга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бош вазиримизнинг аризамга беэътибор бўлмаганидан бошим осмонга етди.

О'зLiDePнинг ҳудудий партия ташкилотиде тузилган виртуал қабулхонага келиб тушган ҳар бир мурожаат қатъий назорат қилинади. Мурожаатнинг биринчи босқи-

чида ҳар бир ариза масъул ходим томонидан қабул қилинади ва ахборот тизимига киритилади. Кейин эса муаммони ишчи гуруҳ ўрганиб чиқади ва тегишли вазирлик ва идорага йўналтирилади. Ҳар бир мурожаат қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва унинг натижаси ҳақида маълумот берилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари эса виртуал қабулхона орқали келган мурожаатлар билан ишлашда кўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботи эшитилади ҳамда шахсий жавобгарлик чоралари қўлланади. Бу эса ҳар ташкилот раҳбарини мурожаатга масъулият билан қарашга ундайди. Давлат идораларининг аҳоли мурожаатига жиддий эътибор билан ёндашаётгани эса мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги, халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашининг муҳим омилidir.

Ҳасан САЛОМОВ,  
"XXI asr" мухбири



## Дехқонга мадад бўлди!

✓ Инсон ҳаётида ўзига ўзи жиддий саволлар бериши керак. Менинг назаримда ана шундай юки залворли саволлардан бири "Мен қандай мамлакатда яшаб турибман?" деган ўй-хаёлдир. Биз, ахир озод, тинч, фаровон, энг муҳими, эркин ишбилармонлик муҳитига эга давлат фуқаросимиз. Айнан шунинг учун қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, фарзандларимиз бахтли, уй-жойларимиз шинам, йўлларимиз раvon, кўприқларимиз мустаҳкам, турмушимиз мазмунли. Тадбиркорнинг, фермернинг ошиги олчи бўлиб тургани ҳам Конституциямиз, қонун ва кодексларимиз, норматив ҳужжатларимиз, энг аввало, меҳнат кишисини, бизнес соҳибини қўллаб-қувватланганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юқиб, шахсан мен, бир оддий дехқон, қишлоқ мулкдори сифатида ундаги кўрсатмалардан нафақат фермер ва тадбиркорнинг ишини назорат қилиш, текшириш, уларга чора кўриш, балки унга илчил ёрдам бериш зарур, деган хулосани англаб етдим. Бу бўйича бизнинг мамлакатимизда катта тажриба мактаби яратилди. Фармон бу ишларга янгича суръат бахш этишни бош вазифа қилиб қўяди.

Фармондаги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилиниши, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилиши, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминлашнинг назарда тутувчи 9-банд демократик ислохотларни кучайтириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда янги босқични бошлаб беради. Оқиқчасига айтганда, суд ноҳилис қарор қабул қилишдан, тадбиркор иқтисодий жиноятга йўл қўйишдан қўчийдиган бўлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини

бажарувчи, мамлакат Бош вазири Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан батафсил танишиш мақсадида вилоятимизга ташриф бурюб, янада кўчлироқ иқтисодий муҳит яратиш, айниқса, қишлоқдаги янгилашиб жараёнига куч бахш этиш, барча белгиланган устувор йўналишларда аниқ мақсадларга эришиш, халқнинг ҳаёт даражасини юқори поғонага кўтариш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди.

Бу йил Хоразм фермери йнгиштираётган ҳрисл тарозиде тош босди. Нокамтарликка йўланму, ўз фаолиятимдан биттагина, содда, ҳатто бошланғич синф укўвчиси ҳам англай оладиган кўрсаткични келтираман: фермер ҳўжалигимиз сентябрь ойининг ўзиде пахтадан 40 центнер ҳрисл териб олди. Ҳали далаларимизда хомашё мўл. Бу қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлишига замин яратмайдими? Албатта, яратадиде!

Бугун мамлакатнинг энг илгор фермерлари қандай орзулар билан яшайпти? Албатта, кўп тармоқли ҳўжалигини жадал ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва янги-янги, фойдали, истиқболли корхоналар кўриш нияти билан тер тўқмоқда. Янги фармон бу борадаги саъй-ҳаракатларимизга қўшқанот бўлади!

Қурбонбой ОТАНИЕЗОВ,  
Хонқа туманидаги "Мадир – Хонқа"  
фермер ҳўжалиги раҳбари

## Марказий сайлов комиссиясида учрашув

« Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш очкилик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Сайлов кампанияси билан боғлиқ барча материаллар Марказий сайлов комиссияси сайтига жойлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси йнгилишлари онлайн шаклда ўтказилмоқда.

ЭБМ экспертларининг фикрича, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни кузатиш юзасидан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари буйича бюросига тақлифнинг ўз вақтида юборилгани халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиллик билан такомиллаштирмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар, хусусан, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ўтган сайловлардаги кузатувлари натижалари бўйича тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишлар, жумладан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти номзодини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фойздан 1 фойзга камайтирилганини ижобий баҳолади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари вакиллари учун ўтказилган онлайн семинар-тренингларга ҳам юқори баҳо берди.

Учрашувда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари фаолиятини самарали ташкил этиш, икки томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Б.БОЗОРОВ,  
Ўза мухбири

## ИМКОНИЯТ

## ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

«Давом. Бошланғич 1-саҳифада»

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда Тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган давра сўбатда мазкур фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишга оид чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мулоқотда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Соҳибжон Турдиев сўз олиб, мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги барча тўсиқ ва

чекловларни бартараф этиш, ишбилармонларга кўпроқ эркинлик беришдан иборатлиги, зеро, юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва республикамиз истиқболли, аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги айнан шу омил билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Партия бу борада ҳукуматимиз томонидан кенг қўламли ислохотлар, аниқ ҳаракат дастурлари ва комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириладиганини мамнуният билан эътироф этди.

— Мазкур фармон Биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган ислохотларнинг бардавомлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қабул қилинган, айтиш мумкинки, барчамиз учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтовчи энг муҳим ҳужжатдир, — деди С. Турдиев ўз сўзини давом эттириб. — О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси партия дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларига ҳамроҳ бўлган ушбу фармонни мамлакатимизнинг юксак ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши йўлида ташланган гоят муҳим ҳамда янги энг дадил ва оқилона қадам, деб ҳисоблайди. Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик берилиши, уларнинг фаолиятига давлат органлари аралашувининг тубдан қисқартирилиши, бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланганлиги соҳада туб ўзгаришларни рўйбга чиқаришига ишончимиз комил. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун партия ва унинг барча бўғинлардаги тузилмалари, Халқ депутатлари ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини янада жонлантиришимиз, шунингдек, партиянинг стратегик ҳамкор бўлган ташкилотлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Шунинг баробарида мазкур фармоннинг мазмун ва моҳияти, бугунги ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, хусусан, партиямиз электорати вакиллари — тадбиркор ва фермерлар, шу жумладан, кенг жамоатчиликка содда тарзда, тушунарли қилиб етказишга қаратилган тарғибот-тушунтириш

ишларини олиб бориш, уларни яратилаётган улкан имконият ва имтиёزلардан унумли ва оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодиётимизни янада юксалтиришга сафарбар этиш, бу йўлда хусусий сектор вакиллари яқин кўмакчи бўлиш энг асосий бурчимиздир.

Тадбирда, шунингдек, парламент кўйи палатасидаги фракциямиз аъзолари, тадбиркорлар, турли ташкилот ва идоралар вакиллари сўзга чиқиб, ушбу ҳужжат мамлакатимизда тадбиркорликнинг янада тараққий этишини таъминлаш, жамиятимизнинг иқтисодий-иқтисодий таянчи бўлган ўрта синфнинг фаолияти мустаҳкамлини янада кучайтириш билдиришди. Бу фармон ўз моҳияти билан барча ишбилармон ва тадбиркорларимиз, кўп миң сонли фермерларимизнинг ҳам истак, интилишларини акс эттиргани хусусида муфассал сўз юритишди.

— Тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий куч — О'зЛиДеР вакили сифатида айтганимиз, фармон мамлакатимизда қўлай бизнес ва инвестициявий муҳитни шакллантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодиоров. — Фармонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатлари ҳимоя қилинишига оид меъёрий ҳужжатлар ижроси устидан парламент назоратини янада кучай-

тириш, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўнийликни янада такомиллаштириш каби вазифалар ҳам баён этилган. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгиланган. Унинг ваколатларида хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисидаги қўний ҳужжатларда акс этган норма ва талабларнинг амалда рўйбга чиқарилаётганини ўрганиш каби бир қанча муҳим масалалар киритилган. Бу тадбиркорларнинг манфаатларини янада кучайтириш парламентнинг роли, аҳамияти ва масъулиятини ҳам оширади. Бинобарин, тадбиркорлик соҳасига оид долзарб масалаларни ҳал қилиш, бу борадаги қўнийликни янада такомиллаштириш йўлида парламент аъзолари бор имкониятини янада кучайтиришди.

Наманган шаҳридаги "Афруз Камол Наби" хусусий корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори Собитхон Нугманов ҳам мазкур фармон мулкдорлар синфи вакиллари учун аниқ мудоао бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик даврида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда беқўйс муваффақиятларга эришилди, — деди тадбиркор С. Нугманов. — Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилган қўнийлик ва ҳамхўрлик, соҳанинг узлуқсиз қўллаб-қувватлини қўйилган самара берапти. Масалан, биз ўтган йили 960 миң АҚШ доллари миқдордаги имтиёзли кредит эвазига Бельгия, Туркия ва Хитойдан замонавий ускуналар олиб келиб, жорий йилда тўла ишга туширдик. Натижа-

да 60 та қўшимча иш ўрни вужудга келди ва шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 1 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни экспорт қилишга эришилди. Тилга олинган фармон эса ишбилармонлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратди. Зеро, ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи тузилмалар тадбиркорлик субъектларининг қўний манфаатлари устуворлиги тамойилини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш шартлиги алоҳида қайд этилгани биз — ишбилармонларни қувонтирапти. Фаолиятимиз самардорлигини оширишга хизмат қилувчи ушбу фармон нафақат хусусий сектор, балки давлат органлари ҳам соҳа ривожини йўлида муайян қўлайликлар яратишига аминимиз.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси директори Насимжон Алимов фармон хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги даражага ўтаётганидан далолат бериши ҳақида гапириб, унинг аҳамиятини аҳоли турли қатламга етказишда ассоциация ўз хўсасини қўлишини билдирди.

Давра сўбати нихосида таъкидланганидек, қабул қилинган фармон О'зЛиДеР асосий электоратининг манфаатларини тўлиқ ифода қилади. Белгиланган вазифалар ижроси эса партиямизга ҳам қатта масъулият юклайди. Шу боис партия бор куч ва имкониятларини фармонни амалга татиқ этиш, жадаллик билан унинг ижросини таъминлашга қаратади.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,  
"XXI asr" мухбири

ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИ  
ДУНЁДА ХАРИДОРГИРТошкентда XII Халқаро ўзбек пахта ва  
тўқимачилик ярмаркаси бошланди

Пахта бўйича халқаро консултиватив кўмитанинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган ушбу ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгилувчи нуфузли анжуманлардан биридир.

Биринчи Президентимиз Исро Каримов ташаббуси билан 2005 йилдан буён аънавий ўтказилаётган ярмарка "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар-ҳомаш биржаси ва "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро консултиватив кўмита, "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги ва Халқаро тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси сингари нуфузли ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозоридан мунтазам ортмоқда. Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилги дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2010 йилда 34 давлатдан 300 дан зиёд фирма ва компания мухтаassisлари иштирок этди. Бу йил анжуманга 40 дан зиёд давлатдан вакиллар қатнашмоқда. Айни вақтда ўзбек пахтасини етказиб бериш қўламли тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақалари қамраб олинмоқда.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси раиси А.Камолов, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти раиси И.Ҳайдаров ва бошқалар Ўзбекистон жаҳон пахта бозоридagi етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи, экспорт бўйича бешинчи ўринда туриши, экспорт имиджини мустаҳкамлаш учун кенг қўламли ишлар қилинган, жаҳон бозорида рақобат кучайётган ҳозирги шароитда ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлигини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

"Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер ўзбек пахта толаси халқаро стандартларга тўла жавоб бериши, тола ишлаб чиқариш даражаси барқарор сақланаётгани истеъмолчиларга мақбул келаётгани алоҳида қайд этди. 42 мамлакатни бирлаштирган Пахта бўйича халқаро консултиватив кўмитанинг бошқарувчи директори А.Гитчунс эса дунё миқёсида қатта аҳамиятга эга ушбу нуфузли пахта форумида бир неча йиллардан

бўён иштирок этаётганидан мамнулигини билдириб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг йirik иштирокчиларидан бирига айланганини таъкидлади.

Ярмаркада иштирокчилар Ўзбекистонда янги ва истиқболли навлари яратиш, агротехника тадбирлари ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта етиштиришдан уни тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган пахта санотини янада ривожлантириш стратегияси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Ярмарканинг асосий воқеалари "Ўзэкспомарказ" махсус павильонидан ўтмоқда. Павильон халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиб, тармоққа оид барча маълумотни қамраб олган ахборот стендлари ўрнатилган. Анжуман қатнашчилари бу йил мамлакатимиз пахта заводларида ишлаб чиқарилган 650 туркум толаннинг намуналари билан танишиш ва сифат жиҳатидан ўз эҳтиёжларига мос тоиларни танаоли олиш имконига эга.

— Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси аънавий тус олгани қувонарли ҳол, — деди Россия санает-савдо вазирининг ўринбосари Виктор Евтухов. — Ярмарка юқори савияда ташкил этилган, самарали ишлаш учун барча шароит яратилган. Жорий йилда йirik миқдорда пахта толаси харид қилиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўша корхона ташкил этиш ниятидамиз.

— Биз 50 миң тонна аъло сифатли тола харид қилиш тўғрисида шартнома имзоладик, — деди Бангладешдаги "Dsm Commodities Ltd." компаниясининг вакили Фахшур Раҳмон. — Музокаралар жараёни ҳамжиҳатлик руҳида ўтмоқда, сотиш шартлари барча халқаро стандартларга мос. Халқаро ярмаркада иштирокчимиз жуда самарали бўлди, у янги алоқалар ўрнатиш, янада фойдали битимларни амалга ошириш имконини берди. Компаниямиз ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Тадбир қатнашчилари ярмарка доирасида бўлиб ўтаётган анжуман ва давра сўбатларида жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ва унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик санаетига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қўлай шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Зеро, ярмаркада тола намуналаридан ташқари, тўқимачилик корхоналаримизнинг махсулотлари — калава, мато-лар, тайёр буюмлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. Тўқимачилик ярмаркаси экспозицияси "Ўзэкспомарказ"нинг алоҳида павильонидан жой олган.

Мамлакатимизда тўқимачилик санаетини

ривожлантириш, юртимизда етиштирилган пахтадан юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини берапти. Мисол учун, 90-йилларнинг бошида тўқимачилик ва тикув-трикотаж махсулотлари экспортининг умумий ҳаҷми 7 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, соҳада олиб борилган изчил ислохотлар ва янги бозорларни эгаллаш ҳисобига бу кўрсаткич бир миллиард долларга етиб, тайёр махсулотлар дунёнинг элликдан орттиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Қўша корхоналар сони, инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқими қўлаймоқда, илгор технологияларни жорий этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш чуқур модернизация қилинмоқда. Бу яқин келажакда ўзбек толасининг яримдан кўпини бевосита мамлакатимиз корхоналарида қайта ишлаш, пахта экспорт қилишдан ташқари, жаҳон бозорида пахтадан тайёрланган рақобатбардош тайёр махсулотларни сотишни кўпайтириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ўзбек толаси тоифа ва микропейри бўйича энг сифатли, деб эътироф этилмоқда. Бу биринчи Президентимиз Исро Каримовнинг соҳага оид фармон ва қарорларининг бажарилиши натижасида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар самардорлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш, ўзбек пахтасининг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Пахта толасини энг илгор халқаро стандартлар асосида сертифицирлаш билан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил бўлган, Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси — "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертифицирлаш маркази шугулланиб келмоқда. Юқори ливидлиги билан ажралаб турувчи толамиз сифатини қаролатловчи мазкур марказнинг "Миллий маълумотлар базаси"да юртимиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

"Сифат" марказида тола намуналарини синовдан ўтказишда энг замонавий, юқори унумдорликка эга бўлган HVI 1000 тизимларидан фойдаланилмоқда. Ушбу тизимлар ёрдамида толаннинг барча хусусияти, жумладан, узунлиги, пишқилги, оқлик даражаси, микропейри, калта толарлар улуши, узунлик бўйича бирхиллиги, эластиклиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар орқали толаннинг йиғирувчанлик қобилиятини аниқлаш мумкин.

— Сифат кўрсаткичи билан бир вақтда то-

ланнинг тозаллиги ҳам яхшиланмоқда, — деди "Сифат" маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бойхон. — Бу замонавий автоматлаштирилган тўқимачилик фабрикалари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўзбек пахта толасининг ўртача узунлиги ҳамда узунлик бўйича бирхиллиги сезиларли равишда юқори кўрсаткичларга эга.

Соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, янгилашлар эвазига пахта селекцияси ва уни етиштиришдан толана сертифицирлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар энг илгор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Ўша селекциясида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида селекционер олимларимиз гўзанинг 110 дан зиёд навини яратди. Улардан 30 дан орттиги Давлат реестрига киритилган.

Ўзбекистон олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу дунёдаги илг ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология чидамли хусусиятларга эга "Порлоқ" навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгартиришлар киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 физ қиймат сотилмоқда. Ҳозир бир қатор уруғчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларида "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3" ва "Порлоқ-4" янги гўза навларининг уруғлик чигити тайёрланмоқда.

Бу йилги халқаро ярмарка доирасида, аввалгиларидан фарқли ўлароқ, "Пахта санаетининг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўзбек пахта толаси рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари", "Тўқимачилик тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш — экспорт имкониятлари орттиришнинг муҳим омилли", "Пахта ва тўқимачилик тармоқларида илмий ва технологик янгиликлар" каби мавзуларда учта секцияга бўлинган ҳолда ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ярмарка доирасида иштирокчилар "Тошкент-тола" пахта терминали, Тошкент вилоятидаги "Ўзбекистон" пахта қайта ишлаш заводи, "UzteksChirchiq" қўша корхонасида бўлиб, мамлакатимиз пахтачилик секторида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самаралари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Енгил санает салоҳияти, жумладан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турфа либослар намойиши ҳам режалаштирилган.

XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Сайёра ШОЕВА,  
УЗА мухбири

Йиғилишда дастлаб партия муассислигидаги "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси фаолиятини янада жонлантириш, унинг саҳифаларида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга қаратилган мавзуларни кенгроқ ёритиш борасидаги ишларни такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

О'зЛиДеР Сиёсий  
Кенгаши Ижроия  
кўмитасининг  
навбатдаги йиғилишиУнда бевосита партиямиз ҳаётига  
дахлдор бўлган бир қатор масалалар  
қўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик олдига турган тўсиқларни бартараф этиш борасида сезиларли ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётган қарорлар қабул қилинаётганлигига алоҳида аҳамият қаратишди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинган бу борада муҳим қадам бўлганлигига уруғ берилди. Бундай шароитда партиямиз босма нашри давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини қайта қўриб чиқиши лозимлиги таъкидланди.

Партия газетасида мавжуд рунларни қайта қўриб чиқиш, бозон талабларига мос келмайдиган мавзуларни ёритишдан воз кечиш, замонга кўн тадбиркорини ўйлантираётган долзарб йўналишларга устувор аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди. Йиғилиш иштирокчилари томонидан бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлисида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича ишчи гуруҳининг ҳисоботи тингланди. Маълумки, партия Сиёсий Кенгашининг шу йил 16 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида О'зЛиДеРнинг навбатдаги Съезди кун тартибига партия Уставига ўзгартириш ва қўшимча киритиш масаласини ҳам киритиш борасида қарор қабул қилинган эди. Бу борада тузилган ишчи гуруҳи томонидан шу кунларда партия ҳудудий Кенгашларида бўлиб ўтаётган конференцияларда партия фаоллари томонидан бир қатор фикрлар билдирилаётгани, ишчи гуруҳига қўллаб-қувватлаш келиб тушаётгани қайд этилди.

Худудий партия ташкилотлари конференцияларида билдирилган барча таклифларни чуқур таҳлил этиш ва умуллаштириш учун қўшимча вақт талаб этилиши айтиб ўтилди.

Ижроия кўмита аъзолари томонидан партия Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи О'зЛиДеРнинг навбатдаги Съезди кун тартибига киритилганлиги, лекин масала юзасидан партия фаолларидан, худудий кенгашлардан келиб тушаётган таклифларни атрофида ўрганиб чиқиш қўшимча вақт талаб этаётганлигидан келиб чиқиб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII Съездини ўтказиш муддатини 14 октябрдан 19 октябрга қўчириш тўғрисида таклиф билдирилди.

Йиғилишда партиямизнинг навбатдаги Съезиди О'зЛиДеРнинг яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштироки билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилиниши белгилаб қўйилганлиги, лекин шунга қарамадан уни ўтказиш санасининг ўзгариши бу жараёнга мутлақ таъсир қилмаслиги ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан белгиланган муддатларда амалга оширилаётганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси йиғилишида қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акбар МУЗОАФАРОВ,  
"XXI asr" мухбири

ФАОЛИЯТ

# Хусусий сектор – иқтисодиёт таянчи

✓ Ерга яхши ниятлар билан экилган ниҳол чуқур илдиз отиб, униб-ўсиши учун алоҳида эътибор ва парвариш керак бўлганидек, кичик бизнеснинг томир отиб, мева бериши учун ҳам худди шундай гамхўрлик зарур. Яъни, қаерда тадбиркор эркин, аниқроқ айтганда, солиқ, божхона, банк ва бошқа йўналишларда зарур имтиёзга эга бўлса, самара ҳам шунга яраша бўлади. Зеро, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

**Қутлимурат БАБАШЕВ,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси*



тиви"га айланган тадбиркорлар билан бир қаторда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, фракциямиз аъзолари томонидан ҳам катта қизиқиш билан қутиб олинди. Зеро, ишбилармонлар эркинлигини таъминлаш учун уларга иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратиш, мазкур қатлам фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш партиямиз дастурида белгиланган устувор вазифалардан бўлгани учун зиммамиздаги масъулият янада ошади. Қайси маънодаки, партиямиз асосий электорати ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга фармоннинг мазмун-моҳиятини етказиш ҳамда унинг ижросини таъминлашда фаол бўлишимиз, барча бўғинлардаги партия ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва киллари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришимиз айтиш мумкин. Айтиш керакки, фармонда экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризага бир иш кунни мобайнида берилиши каби норманинг киритилиши тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашнинг кафолатидир. Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг айнан бозор механизмларидан фойдаланиш бўйича аниқ ва мақсадли ислохотлар олиб борилаётганини кўрсатади, маъмурий-бўйруқбозлик таъсирини камайтириш, хусусий бизнес учун кўпроқ иқтисодий эркинлик тақдими элади.

Албатта, ўрта синф вакиллари бўлган тадбиркорлар манфаатларининг қонуний ҳимоясини тўлатуки таъминлаш тез юз берадиган жараён эмас. Қўзланган мақсадга эришиш учун белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк даврлариданоқ Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида тадбиркорлар манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш борасида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, улар амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш"га фармон келгусида бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, мавжуд тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Фармон иқтисодиёт "локомо-



## Бўлажак сайловда иштирок этиш

зиммамизга улкан масъулият юклайди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жорий йил 19 октябрь куни бўлиб ўтказилган VIII сьезидига қатнашувчи делегатларни сайлаш мақсадида ўтказилган партия вилоят кенгашларининг конференциялари якунланди.**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг навбатдаги конференциясида ҳам энг муносиблар делегатликка сайланди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан сайловда иштирок этилиб, сайлов компанияси давомида амалга ошириладиган ишларнинг календарь режаси тасдиқлангани маълум қилинди.

– Партия дастурини тарғиб этиш мақсадида 16 мингдан зиёд сафдошларимиз 752 та бошланғич ташкилот атрафига бирикиб, фаол иш олиб боришмоқда. Мақсад бўлажак сайловда муносиб иштирок этиш ва партияимизнинг нуфузини янада оширишдир. – деди Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари вазифасини бажарувчи Азамат Қалбаев.

### O'zLiDeP ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Кенгаши Матбуот хизмати

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP Бухоро вилояти Кенгашининг XI конференциясида сўзга чиққанлар Президент сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш ва мазкур жараёнга қизгин тайёргарлик кўриш жараёнига партиянинг куйи бўғинларидан тортиб, туман, шаҳар ва вилоят ташкилотларига катта масъулият билан ендашиши зарурлиги ҳақида гапирди.

– Масъулиятли жараёнга пухта ҳозирлик кўриш партияимизнинг барча бўғинлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди, – деди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси Фармон Аминов. – Айтиш жоизки, бу борада партиямиз фаолларида етарли тажриба тўпланган. Шундай экан, бор куч ва салоҳиятимизни галдаги вазифаларни самарали амалга оширишга сафарбар этишимиз лозим. Зеро, бу партияимиз нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Конференцияда O'zLiDePнинг навбатдаги сьезида делегатлар сайланди.

**Асхор ИСТАМОВ,**

"XXI asr" мухбири

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича вилоят ҳудудий партия ташкилоти ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари сайловда иштирок этилиб, ташкил этилди ва уларнинг ташкилий тузилмалари шакллантирилди, – деди O'zLiDeP Навоий вилояти Кенгаши ташкилий партиявий ишлар бўлими мудири Қобил Астанов. – Шунингдек, партия томонидан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплаш ишлари ҳам самарали якунланди.

Қолаверса, сайлов кампанияси даврида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, уларга зарур маълумотларни етказиш каби тадбирларни ташкил этиш мақсадида вилоят ҳудудий партия ташкилоти ва туман (шаҳар) бўлимлари хузурида партия фаоллари орасидан 10 нафардан тарғиботчилар гуруҳлари тузилди.

O'zLiDeP Навоий вилоят ҳудудий партия ташкилотининг навбатдаги IX конференциясида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбир ниҳоясида O'zLiDePнинг навбатдаги сьезида иштирок этиш учун 13 нафар маслақдошимизга ишонч билдирилди.

**Мансур АСЛОНОВ,**

"XXI asr" мухбири

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP Қашқадарё вилояти Кенгаши конференциясида туман ва шаҳар Кенгашларидан сайланган делегатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Арзикул Шеров Президент сайловини Конституция ва амалдаги қонунийликни асосида ҳамда умумий эътибор билан ҳал қилишга асосан

даражасида ўтишини таъминлаш учун муносиб тайёргарлик кўриладиганини айтди. Шунингдек, ушбу жараёнда партия электорати сафини фаол ёшлар, фермер ва тадбиркорлар ҳисобига кенгайтириш кераклигини таъкидлади.

Анжуманда партия вилоят Кенгашининг сайловда фаол иштирокини таъминлаш учун аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий саводхонлигини ошириш борасида вазифалар белгилаб олинди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**

"XXI asr" мухбири

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдаги X конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига партия ҳудудий ташкилотининг фаол иштироки ҳамда бўлажак сьезида делегатлар сайлаш масаласи атрафига муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибиде ўз сафига 13 минг 130 нафар аъзони бирлаштирган 530 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, ушбу таянч бўғинларда мазкур сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда уларда туман (шаҳар) конференцияларига делегатлар сайлашга бағишланган йиғилишлар ўтказилди.

Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Холлида Алимова, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қарамони Парда Зиятов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Норкул Нушаров ва партия вилоят Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Нодира Алимова сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тадбиркор, ишбилармон ва фермерларнинг эмин-эркин фаолият юритишида асос бўлаётганини эътироф этишди.

Шу боис муҳим сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиш учун партиянинг барча бўғинлари ҳар доимиганда фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлиги қайд этилди.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**

"XXI asr" мухбири

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгашининг конференцияси ҳам фикр-мулоҳазаларга бой ўтди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида сайлов эркинлигини таъминлаш ва қонунийлигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган қонунийлик ташаббуслари, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Маълумки, сайлов фуқаролар сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этиши учун катта имконият бўлиб баробарида сиёсий партиялар учун ҳам жиддий синодир, – деди O'zLiDeP Самарқанд вилояти Кенгаши раиси Муродулло Холмухаммедов. – Бу жараёнда сайловчилар партиямиз мақсадларидан қанча кўп хабардор бўлса, мамлакат Президентлигига кўрсатиладиган номзодимизни қўллаб-қувватловчилар сафи шунча кенгайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ тадбирларни очик мулоқот, самимий суҳбат тарзида ўтказиш, сайлов кампаниясида фаол иштирок этиш учун партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Йиғилиш якунида энг муносибларга O'zLiDePнинг VIII сьезидега қатнашиш ваколати берилди.

**Мухаббат РАВШАНОВА,**

"XXI asr" мухбири

## Тадбиркорликка кенг йўл

✓ Айни кунларда юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хусусида самимий фикр билдириш баробарида партияимиз асосий электорати манфаатларини ўзида акс эттирган, энг асосийси, мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини янада оширишга хизмат қилувчи тарихий ҳужжат вазифасини ўташни эътироф этишмоқда.

Партияимиз дастурий мақсад ва вазифалари нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, ушбу ҳужжат, нафақат тадбиркорлар манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, балки мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳдларида амалга оширилаётган либерал ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Хусусан, ушбу фармон, ана шу ислохотларнинг марказига айнан инсонни, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўяди, десак асло муболага бўлмайди.

Ушбу ҳужжатда "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик" энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражаси вазифаси сифатида белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар қонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг қонуний ҳатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўйилмасликка йўналтирилгани билан ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, O'zLiDeP тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қўйиб, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилиши, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш керак бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон, нафақат иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва бозор муносабатларини чуқурлаштиришга, балки мамлакатимизда парламентаризмни янада ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий соҳаларнинг ривожланишига ҳам бевосита ва бивосита ижобий ва самарали таъсир кўрсатади.

Масалан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилмоқда. Бир пайтнинг ўзида, яқин 15-20 йил ичида Ўзбекистон навбатдаги демография ўтиш билан тўқнаш келади – умумий аҳоли сонига меҳнатга лаёқатлилар улуши тахминан 65 фоизни ташкил қилади. Демак, жами аҳолининг фаровонлик даражаси, жамиятимиз ва давлатимизнинг барқарор ўсиши, аҳоли бандлигини таъминлаш кўп жиҳатдан айнан ушбу соҳанинг жадал ривожланишига боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, экспертларнинг ҳисоб-кўра кўра, узоқ келажақда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун иқтисодиётимизга юзлаб миллиард долларга тенг маблағлар инвестиция қилиниши керак. Шу ўринда мазкур фармон мамлакатимизда янада қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, иқтисодиётимизни диверсификациялаш, юқори технология ва замонавий объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технологияни янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, очигини айтганда, иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш, инновация иқтисодиёт асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Мухими, Ўзбекистонда амалга оширил-

**Дилшод ШОУМАРОВ,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

## ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## Экологик туризм ривожланади

✓ Халқаро савдо марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори иштирокида "Экологик туризм – барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазасининг муҳим омили: Ўзбекистон таъриби ва хорижий амалиёт" мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вице-спикери Б. Алихонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. Абдусаматов ва бошқалар иштирок этган ушбу тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани мамлакатда туризм ривожига муҳим омил бўлаётди. Биргина

2015 йилнинг ўзида ушбу жаннатмонанд заминга 2 миллиондан зиёд сайёҳ келгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Бугунги кунда юртимизда 900 дан ортиқ сайёҳлик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, автомобилда саёҳат қилиш ҳамда альпинизм каби замонавий турлари жадал ривожланаёпти. Умуман олганда,

давлатимизнинг янада тараққий этишида соҳани ривожлантириш бугуннинг талабидир.

Тадбир сўнггида экологик туризм ва табиат муҳофазасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳани ривожлантириш мақсадида хориж инвестициясини жалб этиш ҳамда техник кўмак кўрсатиш борасида икки томонлама келишувлар имзоланди.

Ўз мухбиримиз

## Ёшлар тадбиркорлиги – қонун ҳимоясида

✓ Мен тахсил олаётган Косонсой озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш коллежида O'zLiDeP Косонсой тумани Кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорликда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда янги қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг биз ёшлар ҳаётидаги аҳамияти кенг муҳокама этилди. Айни ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг "Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш" деб номланган 26-моддасида ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида имтиёзли кредит бериш, таълим муассасалари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда ўқитишни ташкил этиш кўзда тутилганлиги аниқ мундоқ бўлди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда ёш авлодни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш учун шароитлар яра-

тиш, уларни ватанпарвар, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёт гоёлардан ҳимоя қилиш каби вазифаларнинг белгилангани мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол йигит-қизларни воёга етказишнинг муҳим кафолатидир.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонун Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамохан. Партиянинг "Диплом билан – бизнесга", "Ишбилармон талаба" сингари лойиҳалари ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, бизнес режа тузиш ва уни амалга оширишда муҳим омил бўлаётди.

Уйлайманки, O'zLiDeP бу каби лойиҳалари сонини янада оширади, иштирокчилар сафини кенгайтиради. Бу қонун ижроси ҳамда партия дастурида белгиланган вазифаларнинг рўйида муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар ВОҲИДОВА,

Косонсой озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси

## Соғлом оила – мустақам оила

O'zLiDeP Урганч шаҳар Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан "Соғлом оила – соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакат" мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Партия фаоллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган мазкур йиғилишда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом миллат генотипини асраш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш хусусида сўз юритилди.

– "Соғлом оила – мустақам оила" лойиҳаси доира-

сида Урганч шаҳрида бепул тиббий кўрик ташкил этилди. – дейди Мушарраф Раҳимова. – Даволанишга муҳтож хотин-қизларимизга шифокорлар томонидан тегишли тавсия берилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар партия томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтишди.

Дониёр ЖУМАНИЯЗОВ,

O'zLiDeP Урганч шаҳар Кенгаши раиси биринчи ўринбосари

## Янги корхона иш бошлади

✓ Биринчи Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Жиззах махсус индустриал зонасида қулай инвестиция муҳити яратилган, инвесторларга солиқ ва боғхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилгани ва зарур ишлаб чиқариш инфра-тузилмаси шакллантирилгани натижасида умумий қиймати 44 миллион 100 минг АҚШ доллари бўлган 13 та корхона фойдаланишга топширилган эди.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойида улар томонидан 133 миллиард сўмлик sanoat маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилди. Қиймати 750 минг АҚШ долларилек маҳсулот

экспортга йўналтирилиб, 770 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, Жиззах махсус индустриал зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони яна биттага кўпайди.

Яқинда иш бошлаган, лойиҳа қиймати 7 миллион АҚШ доллари бўлган "Eco climat" масъулияти чекланган жамияти негизда шиша толали иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш корхонаси йилга 10 минг тонна, яъни 24 миллиард сўм қийматдан ортиқ импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,

"XXI asr" мухбири

## Гиёҳвандлик – умр заволи

✓ Инсониятни ўзининг хатарли домига тортаётган иллатлардан бири гиёҳвандликдир. Мамлакатимизда унга қарши курашиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ҳамда Транспорт прокуратураси томонидан Тошкент темир йўли транспорти коллежида ташкил этилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди.

– Ёшларни гиёҳвандликдан ҳимоялашда уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга, – дейди Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Тошкент тармоқ Ички

ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўлими бошлиғи Фаррух Амриев. – Шу боис айни мақсадга қаратилган маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказишга эътибор қаратиб келяпмиз.

Учрашув нихосида гиёҳвандлик ва унга ружу қўйишнинг аянчи оқибатларига бағишланган "Адашганлар қисмати" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Шахло РАҲМОНОВА,  
"XXI asr" мухбири

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

## "Камалак"нинг хайрли ишлари

✓ Миришкор туманидаги "Обод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп тармоқли "Камалак" фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозоримизнинг тўкин бўлишига хизмат қилмоқда.

– Ҳар йили галлачилик ва пахтачиликда давлат режасини ошириш билан бажариб келамиз, – дейди O'zLiDeP аъзоси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, "Камалак" фермер хўжалиги раҳбари Жасур Лутфиев. – Хўжалигимиз зарур техника билан таъминлангани агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаришда қўл келмоқда. Фаолиятимизни ривожлантиришимиз учун юртимизда барча шароит яратилган.

Чиндан ҳам имкониятлардан унумли фойдаланаётган ушбу фермер хўжалигида асаларичилик, балиқчилик, қорамолчилик ва қўйчилик йўлга қўйилган. 105 қути асалари оиласидан ҳар йили 7-8 тоннагача асал олинади, ички бозорда сотилмоқда. Фермер хўжалигида, шунингдек, балиқнинг оқамур, толсталоб, сазан каби турларидан йилга 10-12 тонна балиқ етиштирилмоқда. Мазкур кўп тармоқли хўжаликда 14 бош от, 3 бош туя, 344 бош қорамол қаторига яқинда Украина Республикасида 127 бош қизилчўл, қора-ола, оқ-қора голштин зотли моллар

олиб келинди. Ҳозирда бундай зотдор сигирларнинг ҳар бирдан кунига 20-25 литрдан сут соғиб олинади, сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилаётди. Ички бозорга кўп миқдорда гўшт етказиб бераётган ушбу хўжаликда айни пайтда 780 бош қўй боқилаяпти. Уларнинг 650 боши наслдор қўйлардир. Бу ҳар йили 600 бошгача қўзи олиш демакдир.

– Келажакда хўжаликнинг ўзида сут ва гўштни қайта ишлайдиган корхона очиш ниятимиз бир, – дейди хўжалик раҳбари суҳбатни давом эттирар экан.

"Камалак" фермер хўжалигида ушбу йил галладан ҳам мўл ҳосил олинди. Жами 35 гектар ерга яхши ниятлар билан уруғ қадалиб, барча ишлар ўз вақтида бажарилгани ва об-ҳавонинг қулай келгани боис 65 центнердан ҳосил олинди. 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил кўтарилмоқда. 30 гектар ерга такрорий экин сифатида маккажўхори экилган.

Бу ерда доимий 40 нафар, мав-

сумий 300 нафар ишчи меҳнат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ишбилармон фермернинг аҳолини, жумладан, ўз ҳамқишлоқларини иш билан таъминлашга намунали ҳисса қўшаётганини англаш мумкин. Луқмон Усмонов, Санжар Қувватов каби ҳалол ва меҳнатсевар деҳқонлар бу ерда ишлаш баробарида фермер хўжалиги юриштининг сир-асорларини ҳам ўрганишмоқда.

Маҳалла аҳлининг айтишича, фермер Жасур Лутфиев эҳтиёжманд оилаларга хайр-саховат кўрсатишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Шу мақсадда мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёналари арафасида 50 хонадон учун бир бош қорамол, 3 та қўй, шунингдек, 30 оиланинг ҳар бирига 100 килограммдан бугдой ва бир нафар имконияти чекланган тумандошига ногиронлик аравачасини байрам тўхфаси сифатида ҳада этди.

Айтиш жоизки, жорий йилда "Камалак" фермер хўжалигидан "Файзуллахон Лутфиев" фермер хўжалиги ажралиб чиқиб, унга укаси Сарвар Лутфиев раҳбарлик қилмоқда. Бу хўжаликда 40 гектар ерга пахта ва галла экилиб, давлат шартномалари бажариб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун ака-ука Жасур ва Сарвар Лутфиевлар падарни бузрукворлари Файзуллахон Лутфиев бошлаган ишнинг ҳақиқий давомчилари бўлишмоқда.

Наврўзшоҳ ХУДОЙҚУЛЗОДА,

ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

## "ЖАМИЯТ ВА МЕН"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

- Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

МАХСУС НОМИНАЦИЯЛАР:

- "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;
- "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар – 100129, А. Навоий кўчаси 30 уй 2-қават 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (0-371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

НИГОҲ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

# Судхўр – ҳуқуқбузарми ёки тадбиркор?

✓ Шогирдларимдан бири Қўқондан Андижоннинг Марҳамат туманига мени йўқлаб келибди. Фоиизга қарз берадиган синфдошим борлигини эшитган экан, шу баҳонада каттароқ миқдорда қарз олмақчилигини айтиб қолди. Гўштни қайта ишлаш цехи қурилишига нақд пул керак бўлибди. Очиғи, икки ўт орасида қолдим. Бунча миқдордаги пулни синфдошимдан қандай сўрайман-у, йўқ деса шогирдим олдида қандай аҳволга тушаман? Ўзи ҳайдаб келган “Сартива” автомашинасини гаров тариқасида унинг уйда қолдириб кетмоқчи эканини эшитиб, сал дадилландим.



дамчиларига иш ҳақини ойлик қилиб тўлаб беришни таклиф қилади. Улар бунга рози бўлишади. Аммо ҳаражатлар билан келаётган тушумнинг фарқини тўғри ололмаган Замира охири-оқибат қарзга ботиб бораверади.

Шунда ёрдамчиларидан бири Замирага фоиизга пул бериб турувчи Севара деган таниши борлиги ва ундан қарз олишни маслаҳат беради. Аслида, бу аввалдан ўзига қўйилган пинҳона тузоқлигини Замира ҳали билмасди. Севарадан 100 АҚШ долларини бир ҳафта муддатга 200 миң сўм фоиизни тўлаш шарти билан қарзга олади. Бир ҳафта ўтгач, фоиизи тўлайди-ю 100 долларни қайтара олмайди. Севара бундан “ранжиб” Замирага қарзини 200 АҚШ долларини тарзидида “қўшиб” қўяди. Кейинги ҳафта бу қарз 300 АҚШ долларига чиқади. Алалоқибат, Севара атиги 100 АҚШ долларини қарз бериш эвазига хашпаш дегунча 1800 АҚШ долларини миқдориди қарзини Замиранинг “бўйнига олиб” қўяди. Замира қўриқиб кетганидан боши айланиб, кўринган шахслардан қарз олиб, қандай бўлмасин, пихини ёрган судхўр Севарадан қутулиш учун ташийверади. Эл қўзида биронинг дўпписини олиб, бошқача кийдириб алдаб юрган аёл фарибгар сифатида шақлланади.

Адолатсизлики қарангки, айнан судхўр Севара уни фарибгарликда айблаб, “жуда катта миқдорда қарз олиб бермай қочиб юрган” тарзидида даъво қилади. Ваҳоланки, унинг қарзга берган ҳақиқий суммаси атиги 100 АҚШ долларини эди холос! Бу маблағи аллақачон амалда ўн-ийгирма баробар бўлиб ўзига қайтган. Севара тақрор ва тақрор ёздириб олган, жанжал билан қўриқитиб қўлга киритилган Замиранинг “ўз қўли билан ёзилган” тилхатлари-ю сохта гувоҳлар билан судни чалғитади. Аммо, судхўрнинг саъй-ҳаракатлари у кутганидек яқун топмади. Замиранинг фойдасига адолат қарор топди...

Биз Севара каби судхўрларнинг фаолияти жиний эканини айнан қайси ҳолатлар билан исботлаймиз? Одатда судхўрлар бирор марта ҳам иллик даромадлари тўғрисида декларация тўлдиришмайди. Бир йил давомда неча қишига қарз бериб, ундан қанча даромад кўришини яшириб, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаб келишади. Тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб ва ёки шу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиб тадбиркорлик қилишмайди. Биронта ҳам битимларини нотариал тасдиқлашмаслиги ва ёки оддий ёзма шаклда битим тузмасликлари хатти-ҳаракатларининг жинийлигини яшириб келишларига шароит яратади.

Бизнингча, бу кемтиклик узоққа бормайди. Юртимизда қонун ижодкорлиги баравж. Суд-ҳуқуқ тизимидидаги ислохотлар тобора ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Қонун устуворлиги ва адолат тамойили тантана қилишига ишончимиз мустаҳкам...

**Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,**  
ҳуқуқшунос, “M-Qodir” хусусий корхонаси директори,  
OzLiDeP аъзоси

## XXI ASR

### Хорижга даволаниш учун кетаётганда...

*Саломатлигимни тиклаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун оиламиз билан ярим йил муддатга чет элга кетаяпмиз. Айтинг-чи, мен фарзандларимни ўша давлатдаги таълим муассасасида ўқитиш учун ўтказиш мумкинми?*

**З. Бобоевва,**  
Жиззах шахри

Халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги буйруғи билан тасдиқланган “Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисида” ги низомнинг 22-26-бандларига асосан ота-оналар ўқиш, ишлаш, узоқ муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда доимий ёки вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётган бўлса, фарзандини доимий ёки вақтинча яшаш учун кетаётган давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар фарзандини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат этади. Аризага туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вояга етмаганни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш учун розилиги акс этган қароридан кўчирма илова қилинади. Ариза мактаб директори томонидан бир иш кўни ичида қўриб чиқилиб, ўқувчини мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ тайёрланади.

### Дарсликлар учун ижара тўлови икки қисмга бўлиб тўланадими?

*Тўрт нафар фарзандим мактаб ўқувчиси. Молиявий имкониятимдан келиб чиқиб, уларнинг дарсликлари тўловини учун ижара тўловини икки қисмга бўлиб тўласам бўладими?*

**Д. Неъматова,**  
Бектемир тумани

Халқ таълими, Молия, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида” ги низомнинг 42-бандига кўра, дарсликлар тўловини учун ижара тўлови шартномага асосан 30 сентябргача тўлиқ ҳажмда тўланади.

Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўзининг босувчи шахслар пул маблағлари вақтинчалик йўқлиги сабабли, ижара тўлови муддатини узайтириш тўғрисида умумтаълим мактаби маъмуриятига мурожаат қилиши мумкин. Бунда ижара тўлови муддати умумтаълим мактаби васийлик кенгаши қарори ва директор буйруғи билан узайтирилади. Ижара тўлови муддати узайтирилган тақдирда, мазкур тўловнинг 50 фоизи 30 сентябргача, қолган қисми эса 30 ноябргача тўланиши лозим.

### Ўғлимни синфдан синфга ўтказмоқчиман...

*Ўғлим дарсдан бўш вақтларида шахмат тўғрисида катнашди, ушбу спорт тури бўйича бир неча марта яхши натижаларни кўлга киритди. Жорий ўқув йили давомида ёки у туғганидан сўнг фарзандини синфдан синфга ўтказиш ҳуқуқига эга. Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат қилади. Директор аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб бир иш кўни ичида қўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.*

**Ш. Ҳомидов,**  
Когон тумани

Халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги буйруғи билан тасдиқланган “Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисида” ги низомнинг 7-10-бандларига мувофиқ ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўзининг босувчи шахслар ўз хошияга кўра ўқув йили давомида ёки у туғганидан сўнг фарзандини синфдан синфга ўтказиш ҳуқуқига эга. Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат қилади. Директор аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб бир иш кўни ичида қўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Синфдаги ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган тақдирда, мактаб раҳбари ўқувчини синфдан синфга ўтказишни рад қилиши мумкин. Бу ҳақда уч кун ичида ота-оналарга ёзма равишда маълум қилинади. Мактаб директорининг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи чиққан, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

### Боғча: бир гуруҳда нечта бола?

*Боғчада бир гуруҳда неча нафар бола тарбияланиши керак?*

**К. Ботиров,**  
Денов тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида” ги низомнинг 19-банди талабига асосан, мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассас томонидан қўйидагича белгиланади:

- 2 ёшдан 3 ёшгача – камида 15 бола, бироқ 20 боладан ортиқ эмас;
- 3 ёшдан 6-7 ёшгача – камида 20 бола, бироқ 25 боладан ортиқ эмас.

Саволларга Филология ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Сэйёра ҚОШАЕВА жавоб бери.

## “BEST REALTOR” МЧЖ СУРХОНДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2015 йил 26 июндаги “Савдо мажмуи қурилиши учун доимий фойдаланишга 1,76 гектар ер майдони ажратилиш тўғрисида” ва 2015 йил 27 мартдаги “Шўрчи тумани “Боботот” маҳалласи ҳудудида замонавий савдо мажмуи барпо этиш учун тегишлича ер майдони ажратилиш тўғрисида” ги қарорлари, “Шўрчи жануб савдо” МЧЖ тасвирчилари, ишчи ходимларининг 2016 йил 18 августдаги йиғилиш қарори ҳамда ушбу жамиятнинг 2016 йил 29 сентябрдаги 7-сонли бюртмасига асосан қўйидаги савдо дўконлари 25 йилга ижара ҳуқуқи қўйилмоқда:

Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, “Боботот” маҳалласи, Амир Темури кўчасида жойлашган, ҳар бирининг умумий сатҳи қурилиш ости майдони билан бирга 20 квадрат метр бўлган, 1 қаватли 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 110, 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 141, 142, 143, 144, 145, 146, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178-сонли савдо дўконлари.

Ҳар бир ижара ҳуқуқининг бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.

Савдо 2016 йил 15 ноябрь кўни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36“а”-уйда бошланади.

Буюртмалар мазкур хабар газетда чоп этилган кундан бошлаб иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (тушлик 13:00 дан 14:00 гача).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги муддати – 2016 йил 14 ноябрь кўни соат 18:00.

Аукцион савдоси яқунлари ўша захотийёқ иштирокчиларга маълум қилинади. Мазкур дўконларнинг ижара ҳуқуқлари дастлабки аукцион савдода сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 19 декабрь кўни соат 11:00 дан бошлаб юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Тақрорий савдолар бўйича буюртманома (ариза) ларни қабул қилишнинг охириги муддати 2016 йил 2 декабрь кўни ўтадигани учун 1 декабргача ва 19 декабрь ўтадигани учун 16 декабрь соат 18:00 гача.

Савдо голибига аукцион савдо ўтказилган кундан бошлаб беш иш кўни муддат ичида сотувчи – “Шўрчи жануб савдо” МЧЖ билан олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома имзолангандан сўнг ўттиз кун муддат ичида пул тўловларини сотувчининг тегишли ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш шартлари юклатилади. Ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олишдан туш-

нашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган келишувга асосан савдо дўконлари ижара ҳуқуқи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалатни кўрсатилган муддатга қадар “Best realtor” МЧЖ Сурхондарё минтақавий филиалининг “Траст банк” ХА банкнинг Термиз филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800400433601006, СТИР: 303179580, МФО: 01063.

Савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган, савдо ташкилотчиси жойлашган ва мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36“а”-уй.

Телефон: (факс) (0-376) 223-31-57.  
Расмий сайт: www.emulk.uz  
Электрон манзил: best.sunondaryo@inbox.uz  
Лицензия: RR-0225.

Жўраев Жавлон Қаршibaевич номига Учтепа тумани кадастр хизмати томонидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 12 мавзе 39-уй 47-хонадон учун берилган унинг план кадастр ҳужжатлари йўқлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# МОҲИЯТ

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

– Тил ҳақида айтилган таърифлар бисёр. Тил, энг аввало, инсоннинг ички дунёси, оламни идрок қилиши, тафаккур тарзи ва камолотини белгилайдиган восита. Тилга кўпинча алоқа воситаси сифатида қарашади. Аслида бу тилнинг моҳиятини тўғри англамаслик натижасида пайдо бўлган нотўғри қараш. Тил фақат алоқа воситасигина эмас, у инсоннинг тафаккур тарзини тайин қиладиган, дунёни билиши, дунёни кўриши, эшитиши воситаси ҳамдир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,  
филология фанлари доктори, профессор:

Одам дунёни тили билан кўради, тили билан эшитади ва тили билан идрок қиладди. Бутун дунё тиллари орасида ҳар бир товушнинг эшитилиш тарзи бир-биридан фарқ қиладди. Бу дегани инсон дунёни тили билан кўради ва тили билан эшитади. Инсон бирор нарсани номласа, бу номни ўзбек ёки рус ўз тили билан атайди, улар номлаш мотивига кўра бир-биридан фарқ қиладди. Масалан, “сиччалак” сўзи читтак қўшининг яна бир номланиши. Рус тилида у “синица” дейилади. Яна бир мисол, “ариқ жилдираятти” дейимиз. Буни инглиз бошқача атайди. Эшитиш тилга кўра бўлгани учун тақлидий сўзлар ҳамма тилда бир хил эмас. Барчасининг асосий мазмун-моҳияти табиатдаги мавжуд товушларга тақлид қилиш натижасида юзага келади. Табиатда мавжуд товушларни қандай эшитсак, шундай тақлидий сўз юзага келади. Тилни мана шу тарзда тасниф қиладиган бўлсак, тил бу фақатгина алоқа восита эмас, кўриш, эшитиш, ҳаттоки англаш воситаси эканлигини билиб оламиз.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Илхом Каримов “Тилимиздаги “андиша”, “ибо”, “хав” деган сўзларни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди, деган эди. Тилларда бошқасига таржима қилиб бўлмайдиган тушунчалар мавжуд. Сабаби шу тушунчалар шу миллатнинг ўзига хос бўлган, шу миллатнинг ўзидagina бор ва номи ҳам шу тилда мавжуд. Уларни таржима қилиш керак бўлса, фақатгина тавсифий восита ёки иборалар ҳамда тасвирлаш йўли билан таржима қилиш мумкин.

Миллатни миллат қиладиган, ўзбекни ўзбек сифатида ушлаб турадиган нарсаси бу унинг тили эканлигини Биринчи Президентимиз аниқ ва тўлиқ тасаввур қилган ҳамда ўзбек тилини шу миллатнинг белгисига айлантириш улар ҳаётидаги катта бир ниёт, истак бўлган. Ва бу тил бутун худди байроқ, герб ва мадҳиямиз сингари қонун йўли билан муҳофазаси қилинадиган мустақил Ўзбекистоннинг мустақил тимсолларидан бирига айланди.

Инсоннинг дунёни кўриши, тушуниши унинг ҳақиқати саналади. Мана шу ҳақиқат тирек бўлса, демак, у ўзини ҳимоя қила олади. Шунинг учун ҳам истибод эгалари тилни йўқ қилишга ҳаракат қилишган. Хитой файлуосуларида бири Конфуций шундай дейди: “Сен менга муайян бир халқнинг қўшиги, гапирадиган сўзи ёки бошқа жиҳатларини кўрсатсанг, сенга бу халқни қандай осон идора қилиш мумкинлигини айтман”. Истилочилар қўшилар билан мулоқотда, расмий ёзишмаларда тилни йўқотишнинг удрасидан чиқибди. Лекин бадиий тилни ўз йўлига сола олмади. Чунки Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Чўлпон, Қодирийлар бор эди. Уша давр адабиётида тил тараққий қилди, лекин энг муҳими, давлатнинг халқ билан, халқнинг давлат билан бўлган муносабатларида бу ўз измидан чиқди. Халқ билан давлат ўз тилида эмас, бошқа тилда мулоқот қилишга мажбур бўлган.

Ўзбек тилининг тараққиёти учун жуда кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Охириги улкан ва тарихий тадбирлардан бири ўзбек тилининг тарихий тараққиёти ва унинг истиқболи, бугунги ҳолатини ўрганиш ҳамда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда етук кадрларни тайёрлаш мақсадида 2016 йил 13 май куни Биринчи Президенти-

мизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилиниши бўлди

– Кўпгина илмий асарларда ҳазрат Алишер Навоий ўз она тилини асраб қолиш учун мунтазам курашган буюк тилшунос олим сифатида тилган олинади. Бу ҳақдаги фикрингиз?

– Алишер Навоийнинг улуг мақсади туркий тилнинг ифода имкониятларини ва унинг бадиий хусусиятларини дунёга кўрсатишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам жуда кўплаб арабча ва форсча сўзларни ўзиники қилиб олган. Ва бу жуда катта жасорат эканлигини таъкидлаш лозим. Навоий ўзбек тилининг асосчиси сифатида тилга олинади ва бу албатта тўғри эътироф. Ҳақиқатан ҳам, Навоийнинг асарларини ўқиганингизда ўзбек тилининг илдизи қанчалик чуқур эканлиги, бу тилнинг имкониятлари қанчалик катта эканлигини англайсиз. Унинг асарларида ўзбек тилининг синтактик, морфологик, лексик хусусиятлари худди кўрғазмали куролдек кўрсатиб қўйилган. Табиийки, Навоийнинг муҳташам ва беназир ижоди, кўламли фаолияти унинг буюк мутафаккир ва улуг шахс эканлигининг шаҳодатидир.

– Маълумки, ҳозирда бир қатор хорижий давлатларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Бу эса ўзбек тилининг ватани бўлиши Ўзбекистон билан халқаро алоқаларни ривожлантиради. Ўзбек тилини ўрганиш буйича халқаро ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?

– Ўзбек тили қадимдан мавжуд эканлиги, унинг шаклланиш босқичлари неча минг йиллик тарихни қамраб олишини Фарбдир, Шарқдир, яхши тасаввур қилишдади ва буни ўрганаётган олимлар анча-мунчани ташкил қиладди. Ҳаттоки ўзбек тилини ўрганиш мақсадида бир қанча миллат вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюришмоқда. Кореялик Ким Бёнг Ил Ўзбекистонга келиб, ўзбек тилини ўрганиб, илмий тадқиқот олиб бориш билан бирга, 2001-йилда “Ўзбекча-корейсча сўзлашув китоби”ни нашр қилдирди. Ёки корейлик тадқиқотчи Инкёнг О ўзбек тилини ўрганиб, таниқли фольклоршунос, профессор М. Жўраев раҳбарлигида “Алломиш” ва “Жумонг” қаҳрамонлик достонларининг қиёсий таҳлили” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб кетди. Яқинда Америка, Япония давлатларидан вакиллар келиб ўзбек тилини ўрганиш буйича малака ошириб кетишди. Ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш катта. Бундан 25 ёки 30 йил олдин буни тасаввур қилиш қийин эди. Бундан ташқари, дунёнинг бир қанча мамлакатлари университетларида ўзбек тили кафедралари очилган. 2005 йилдан буён Хитойдаги Пекин миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият юритмоқда. 2012 йилдан буён эса Пекин хорижий тиллар университетидеда ўзбек тили ўқитилмоқда.

Нилуфар МУРОДОВА суҳбатлашди.

## СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Умиднинг кумуш медали

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида эркин кураш буйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда 86 кг. вазнда гиламга чиққан ҳамюртимиз Умид Исманов финалда қадар мағлубиятсиз етиб келиб, кумуш медал билан тақдирланди.

### Полвонлик ёш танламайди

Эркин кураш буйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдуҷалил Абдураҳмонов фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этди.

Полвонимиз Польшанинг Валбжих шаҳрида ўтказилган мусобақада 51-55 ёшли фахрийлар гуруҳида қатнашиб, 58 кг. вазн тоифасида бронза медалига сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоиз, Абдуҷалил Абдураҳмонов 2012 йили Венгрияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам бронза медалини кўлга киритган эди.

### Рекордчи чемпионни 2018 йилда кўрасиз

Бу ҳақда оғир атлетика буйича ўзбекистонлик терма жамоаси бош мураббийи, Баҳром Абдумаликов хабар берди.

РЕКЛАМА

## “ОЛМАЛИҚ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРГА:

– аккредитация доирасига асосан маҳсулотларни давлат синовидан ўтказиш ва сертифицикациялаштириш ишларини ташкил этиш;

– Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзоланган битимларига асосан берилган мувофиқлик сертифицикатларини тан олиш;

– ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертифицикациялаштириш тартибини аниқлаш;

– сертифицикациялаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини олиб бориш;

– маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш;

– сертифицикациялаштириш ва даврий синовлар ўтказиш каби хизматларни тақлиф этади.

Шунингдек, метрология соҳасида оғирлик, иссиқлик-техника, геометрик, вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибшлаш, ўлчов воситалари ва синов ускуналарини

“Чемпионимиз Руслан Нурудинов учун бу йилги мавсум анча мураккаб келди, – деди мураббий. – У кичик жароҳати бўлишига қарамай, Рио Олимпиадасига тайёргарлик кўрди ва мазкур мусобақаларда Ўзбекистон оғир атлетикаси тарихидаги энг юқори натижани қайд этди. Энди у ҳордиқ чиқариши керак. Асосий мақсад 2018 йилда ўтказиладиган Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш. Русланда айнан Осиё ўйинларининг олтин медали йўқ”.

### Боксчиларимиз яна голиб

Қозоғистоннинг Актау шаҳрида бокс буйича ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик “чарм кўлқоп” усталари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Вазни 69 килограмм бўлган боксчилар беллашувида рингга кўтарилган ҳамюртимиз Степан Партнов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Мусобақада ярим финалгача етиб келган Алишер Ҳабибуллаев эса жамоамиз ҳисобига бронза медал қўшди.

### Ясмина ва Лайлога аъло!

Қизлар ўртасида Қозоғистонда ташкил этилган халқаро турнирда ўзбек теннисчилари ҳам муваффақият қозонмоқда.

Мусобақанинг биринчи даврасида Ясмина Каримжонова мезбонлар вакили Дanel Аширова устидан зафар кучиб, бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Яна бир истеъдодли спортчимиз Лайло Баҳодирова беларуслик Кристина Филиченонки 6:4, 7:5 ҳисобида енгиб, маҳорат бобида устунроқ эканлигини намойиш этди.

Сардор ТУРБОВ тайёрлади.

метрологик аттестациядан ўтказишда яқиндан ёрдамлашиб, мулкчилик субъектларига турли хил консултация хизматлар кўрсатади.

### ЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Бизда манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассисларимиз синов-сертификациялаштириш ишларини қонун доирасида тез ва арзон нархларда бажаришди. Сифатли хизматимиздан фойдаланинг!

Манзил: 110100, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси 2-уй.

Телефонлар: (8-370) 613-82-62; 613-85-81.

Факс: (8-370) 613-82-62

Ишонч телефони: (8-370) 613-69-65

Веб-манзил: www.olmaliqssm.uz

e-mail: olmaliqssm@rsm.uz, olmaliqssmdk@exat.uz, olmaliqcenter@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

16-194

РЕКЛАМА

# AVTOSALON

## «SARDOR AVTO INVEST»



**ZAZ**

ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ





**SUPER-AVTO**

Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ



**Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ**

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.  
Мулжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.

[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Маҳсулотлар сертифициланган  
Хизматлар лицензияланган

## Корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик тузилмалари раҳбарлари диққатига!

# ASR

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Марказий банк билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида газетамизга бир йилга обуна бўлган ҳар бир тадбиркорлик субъектининг **180 минг сўмга** тенг 300 см. кв. ҳажмдаги эълонини “XXI asr рекламаси” иловасида буюртмачи учун қулай пайтда БЕПУЛ чоп этади ҳамда газета сайтига жойлаштиради.

Сиз ўз маҳсулот ва хизматларингизни **50 минг** миқозга етказишни истайсизми?

Унда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасининг “Тадбиркорга имтиёзли реклама” акциясида қатнашинг ва газета саҳифаларида ўз маҳсулотингиз ҳамда кўрсатаётган хизматларингиз ҳақида батафсил маълумотлар беринг.


Агар сиз ушбу акцияда 2016-2017 йил учун таҳририят билан шартнома имзолангангиз,

**15 фоизли чегирмага** эга бўласиз.

Шартномалар олиш учун таҳририятнинг  
(0-371) 255-68-50, 255-45-08 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

*Тадбиркор сифатида бундай имкониятни бой бермаслигингизга ишонамиз.*

Обуна ва реклама бўлими



**MUASSIS:**  
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

**Таҳрир хайъати:**

Содиқон ТУРДИЕВ	Қўноқбек САНАҚУЛОВ
Дишод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Аҳмад ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта: [xxi\\_asr@mail.uz](mailto:xxi_asr@mail.uz)

Телефонлар: қабулхона – 215-63-80 (тел.факс); Котибхона – 281-40-17

Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарҳ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1066 Тираж: 8521  
Баҳоси келишилган нархда.  
ЎзА яқуни – 22:02  
Топширилди – 4:30

Таҳририят келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©“XXI asr” дан олинган маълумотларда мана сифатида газета номи кўрсатилмаши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

**Маъруфжон Раҳмонов**  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
1 2 3 4 5

Навбатчи муҳаррирлар:  
Б. ИСРОИЛОВ, С. ЮНУСОВ